

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСИТИТУТИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

5230100- Иқтисодиёт (саноат)

5311000 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш
ва бошқариш

5310700 - Электр техника, электр механика ва электр технологиялари

5320000 - Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни
жихозлаш ва автоматлаштириш

5140900 - Касб таълими

Йўналиши 1-курс талабалари учун

«Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини
ўрганиш» фанидан семинар машғулоти бўйича

У С Л У Б И Й К Ў Р С А Т М А

АНДИЖОН – 2013 ЙИЛ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти
Ўқув-услубий Кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ доц.Қ.Эрматов
(Ўқув-услубий Кенгашнинг _____-сонли баённомаси
«_____»_____2013 й.)

МАЪҚУЛЛАЙМАН

Машинасозлик факультети Кенгашида
муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ доц.Т.Алматаев
(Факультет Кенгашининг _____-сонли баённомаси
«_____»_____2013 йил.)

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган

Кафедра мудири _____ М.Каримова
(Кафедра мажлисининг _____-сонли баённомаси
«_____»_____2013йил.)

Тузувчи: “Ўзбекистон тарихи” кафедрасининг катта ўқитувчиси Х.Тўхтасинов.

Такризчилар:

1. А.Асханов- АДТИ доценти, т.ф.н
2. М. Каримова- АндМИ доценти, ф.ф.н.

Ушбу услубий кўрсатма «Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги НИЗОМИ»га ва барча йўналишларнинг давлат таълим стандартлари ҳамда «Хуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанларининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17- сентябрдаги 392- сонли буйруғи билан тасдиқланган «тажриба синов» тарзидаги намунавий дастурлари асосида тузилди.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар даврини бошидан кечирмоқда. Мамлакат иқтисодиёти бозор муносабатларига ўтмоқда, жамиятда умуминсоний қадриятлар борган сари кўпроқ қарор топмоқда, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматларни ҳимоя қилиш давлатни асосий вазифасига айланмоқда.

Ушбу ўтиш даврида фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, уларни жамиятда қабул қилинаётган қонунларни норматив ҳуқуқий ҳужжатларни моҳиятини билиш, улар ҳақида энг зарур билимларга эга бўлишдан иборат муҳим вазифа юзага келди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ана шу умумдавлат аҳмиятига молик вазифани бажаришга қаратилгандир.

Мазкур семинар машғулотлар учун ўқув маслаҳатлар бакалавриат талабаларини «Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанидан зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган.

Услубий-кўрсатма ўзида ҳозирги кунда давлатимиздаги олий ўқув юртларида давлат таълим стандартлари асосида ҳуқуқий фанларни ўқитиш талабаларини ўз ичига олган. Ушбу қўланмада талабалар учун семинар машғулотларига тайёрланиш учун ҳар бир мавзу учун саволлар, фойдаланиши учун зарур адабиётлар берилган. Таянч атамаларга изоҳлар жорий, оралик ва якуний баҳолаш учун назорат саволлар берилган, ҳар бир жорий, оралик баҳолаш саволларини ўтилган мавзулар юзасидан тузилган. Услубий маслаҳатлар талабаларга фанни ўзлаштириши учун амалий ёрдам беради, ўтилган мавзулар юзасидан мустақил билим олишига кўмаклашади.

Ушбу услубий кўрсатма «Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳоланишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги НИЗОМИ» ва давлат таълим стандартлари ҳамда «Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» бўйича фанларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 17- сентябрдаги 392-сонли буйруғи билан тасдиқланган «тажриба синов» тарзидаги намунавий дастурлари асосида тузилди.

**«Хуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанидан
семинар машғулотларининг мавзулари ва соатлари**

№	Мавзуларнинг номи	Соати
1	Давлат ва ҳуқуқ ҳақида асосий тушунчалар.	2
2	Маъмурий ҳуқуқ асослари.	2
3	Молия ҳуқуқ асослари.	1
4	Тадбиркорлик ҳуқуқи асослари.	1
5	Мехнат ҳуқуқи асослари.	2
6	Оила ҳуқуқи асослари.	2
7	Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи асослари.	1
8	Конституция тушунчаси ва моҳияти	2
9	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий тамойиллари.	2
10	Ўзбекистонда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари эркинликлари ва бурчлари	2
11	Сайлов тизими тушунчаси	1
12	Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг Олий вакилли органи ва қонун чиқарувчи ҳокимият	2
13	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий ҳуқуқий мақоми.	2
14	Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини –ўзи бошқариш органларининг Конституциявий – ҳуқуқий асослари	2
15	Суд ҳокимиятининг Конституциявий асослари.	1
16	Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси.	1
		26

**«Хуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанидан
амалий (семинар) машғулотларининг мавзулари режалари аа адабиётлари**

1-мавзу: Давлат ва ҳуқуқ ҳақида асосий тушунчалар (2 соат)

Режа:

1. Давлат тушунчаси ва моҳияти. Жамият ва давлат.
2. Давлатнинг белгилари, функциялари ва шакллари.
3. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, белгилари ва манбалари.
4. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик.
5. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти.

Бу мавзунини ўрганишда талабаларга давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар, ғоялар, фикрлар ҳақида тушунчалар ёритилиши зарур. 1-чи масалани ёритишда давлатнинг жамият ривожланишининг муайян босқичида юзага келганлиги, у ўзини шаклланишида ва ривожланишида узоқва мураккаб йўлни босиб ўтганлигига алоҳида эътиборга бериш лозим.

Давлатни келиб чиқиши тўғрисида масала кўп асрлар давомида кўплаб мутафаккирлар, файласуфлар, ҳуқуқшунослар, тарихчиларни ўйлантириб келганлиги, давлат ва ҳуқуқни келиб чиқиши тўғрисида ўндан ортиқ назариялар борлигини ёритиш керак. Бу назарияларнинг айримлари кўриб чиқилиши керак. Жумладан, теологик назария, патриалхал назария, шартнома назарияси, зўравонлик назарияси, психологик назария, синфийлик назарияси мавжудлигини уларни ҳар бирига тасниф бериш лозим. Бу саволни ёритишда Президент И.А.Каримов «Бунёдкорлик йўлидан» номли китобидан фойдаланиш лозим. 4 том 80-90 бетлар. 2-чи масалани ёритиш бевосита давлатнинг моҳиятини очиб беришдан бошланади. Давлат кенг маъноли тушунча бўлиб унинг моҳиятини тушунишда 3 та назарий ёндашув ёритилиб бериш лозим.

1. Ижтимоий ёдашув
2. Синфий ёндашув
3. Сиёсий ёндашув.

Уччала ёндашувда ҳам давлатнинг моҳияти очиб берилган. Бири иккинчисини тўлдиради. Уччаласида ҳам муайян асос мавжуд эканлигини асослаш керак ва албатта давлатни яъни «Давлат-бу бутун жамиятни бирлаштирувчи, бошқарувчи ҳамда фуқароларни ҳуқуқ ҳамда эркинлигини ҳимоя қилишни махсус аппаратига эга бўлган, шунингдек ҳуқуқ нормаларини яратишга қодир бўлган ҳокимиятнинг худудий ташкилотидир» таърифини билишлари зарур. Бу таъриф ҳозирги ва олдинги давлатларини характерини очиб беради.

Давлат ҳар бир халқ тарихий тараққиётини, унинг ўзига хос ривожланиши натижасида юзага келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Давлат бу бутун жамият номидан иш кўрувчи, жамиятни бирлаштириб турувчи унинг бир меъёрида ишланишини таъминлайдиган махсус бошқарув, мажбурият аппаратига эга бўлган ташкилотдир.

Бу масалани очиб беришда давлатнинг фақат ўзига хос белгилари асосий ўринни эгаллайди. Давлатни қуйидаги белгиларини ҳар бирига шарҳ берилиши керак.

1. Ўзига хос оммавий ҳокимият мавжудлиги.
2. Аҳолини худудлар бўйича уюшганлиги.
3. Суверенитетни мавжудлиги.
4. Ҳуқуқни мавжудлиги.
5. Солиқларни мавжудлиги.
6. Умумий функцияларни бажариши.

Яқин ўтмишда давлатни асосий вазифаси беистисно уюшган зўравонликдан иборат деб қаралар эди. Ҳозирги кунда давлатни асосий вазифаси умумфаровонликни таъминлашдан иборатлигини алоҳида кўриб чиқилиши, давлатни бу соҳадаги вазифаси янги Конституциямизда алоҳида моддаларида мусаҳкамлаб қўйилганлигини ёритиб бериш керак.

Давлат механизми-давлат ҳокимиятини амалга оширадиган, жамиятга давлат раҳбарлигини таъминловчи давлат ташкилотлари тизимидир.

1. Давлат механизми бошқарув билан махсус шуғулланувчи кишилардан иборат.
2. Давлат механизми идоралар ва муассасаларнинг мураккаб тизимидан иборат.
3. Давлат Маҳкамасининг барча бўғинлари фаолияти ташкилий ва молиявий воситалар билан мажбурий таъсир йўли билан таъминланади.
4. Давлат механизми ўз фуқароларини қонуний манфаатларини ва ҳуқуқларини ишончли тарзда қафотлаш ва муҳофаза қилишга даъват этилган.

Давлат механизми тузилиши ва унинг фаолияти объектив тамойиллар асосида амалга оширилади. Энг муҳим тамойил ҳокимиятини бўлиниш тамойилидир. Яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишидир.

Давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий вакиллик органларига ҳам тасниф бериш лозим.

Давлат шакллари деганда давлатни тузилиши ва бошқарув усулини белгилайдиган ташқи хусусиятлари тушинилади. Давлат шакли қуйидаги уч элементини ўзига ифодалайди:

1. Давлат бошқаруви шакли.
2. Давлат тузилиши шакли.
3. Сиёсий режим.

Ушбу элементлар давлат қандай ташкил этилганлигини ва давлат ҳокимияти қандай усулларда амалга оширилишини кўрсатади. Бошқарув шакли деганда олий давлат ҳокимиятини, унинг идоралари, аҳоли билан ўзаро муносабатларини, аҳолини ушбу идораларни шаклланишидаги иштирок этиш даражаси тушинилади.

Бошқарув шакли Монархияга ва Республика шаклига булар ҳам ўз навбатида мутлоқ ва чекланган монархияга (парламентар) шаклларга бўлинади.

Республика давлат шакли давлат бошқаруви ҳокимиятини олий идоралари муайян муддатга сайланадиган шаклидир, Республикалар Президентлик республикаси, парламентар республикаларига бўлинади. Ҳар бир давлат шакллари моҳиятини, ўзига хос томонларини, шу жумладан Ўзбекистон Республикасига ҳам тасниф берилиши керак. Мисоллар келтириб қиёсий солиштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлатнинг тузилиш шакли-унинг маърифий ҳудудий ташкил этилишидир. Давлат тузулиши бўйича барча давлатлар қуйидаги турларга бўлинади.

1. Унитар.
2. Федератив.
3. Конфедератив.

Ҳар бирларига алоҳида-алоҳида таъриф бериш лозим.

Давлатни функциялари-давлат фаолиятини асосий йўналишларидир. Давлатни функциялари икки асосий турга бўлинади. 1-чи давлатни ички функциялари – мамлаката ички ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятини асосий йўналишларидир.

Ички функцияларига қуйидагилар кирди:

1. Регулятив (тартибга солиш, бошқариш (тартибга солиш бошқаруви) регулятив функция давлатни иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ўрнини белгилайди. Регулятив функция а) иқтисодий б) ижтимоий в) сиёсий г) маънавий д) молиявий қисмларга бўлинади булар барчасини моҳияти очиб берилиши лозим.
2. қўриқлаш функцияси а) фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш б) табиатни муҳофаза қилиш в) мулкчилик шакллари ҳимоя қилиш г) ҳуқуқни муҳофаза қилиш.

Давлатни ташқи функцияларига - давлатни халқаро майдондаги фаолиятини асосий йўналишлари тушунилади. Бу икки асосий йўналишга бўлинади 1) Халқаро ҳамкорлик 2) Мудофаа ва миллий хавфсизликни таъминлаш. Халқаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Сиёсий режим давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва йўллари мажмуи бўлиб мамлакатда сиёсий вазиятни, яъни жамиятдаги сиёсий эркинлик даражасини ва шахсни ҳуқуқий ҳолатини билдиради. Бу саволни ёритишда демократик давлатни ўзига хос хусусиятлари, белгилари 1) шахсни иқтисодий соҳадаги эркинлиги. 2) инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари эълон қилиши ва кафолатлариши. 3) қонун уқунлиги. 4) ҳокимият ваколатларини бўлиниши. 5) ижтимоий ҳаётда фикрлар хилма-хиллигини плюрализм мавжудлиги ҳар бир қўриб ўтилиши лозим.

Демократик режимнинг акси бўлган тотолитар, авторитар диктатурага асосланган сиёсий режимларга ҳам тўхтаб ўтиб, уларнинг моҳияти очиб берилиши лозим.

Ҳуқуқий давлатни моҳиятини ёритишда биринчидан ҳуқуқий давлат ва уни ўзига хос тамойиллари, белгилари тушунтириб берилиши лозим.

Президентимиз таъбири билан айтганда: «Ҳуқуқий давлатни асосий белгиси барча фуқароларни қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларни уқунлигини таъминланишидир».

Инсонпарвар ҳуқуқий давлат моҳияти, жамиятда ҳуқуқий давлатни роли, жамият ҳаётида ҳуқуқий давлат нималарни таъминлайди, ҳуқуқий давлатни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий барқарорлиги асосларини ёритиб бериш лозим.

Ҳуқуқий давлатни моҳиятини очиб беришда ҳуқуқий давлатнинг белгилари алоҳида аҳамиятга эга. 10 та асосий белгилари кўрсатиб моҳиятини тушунтириб берилиши лозим. Бу масалани ёритишда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатни барпо этиш тўғрисида ҳам албатта тўхтаб ўтилиши лозим.

ТЕСТЛАР

1. Давлат синфий зиддиятлар мурасасизлигининг маҳсули ва кўринишидир, деб ҳисоблайдиган назария қандай назария?

- А) теологик назария;
- Б) шартнома назарияси;
- В) марксча назария;
- Г) зўрлик назарияси.

2. «Давлат функциялари» ва «давлат вазифалари» тушунчаларига бериладиган таърифни танланг.

- А) давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари;
- Б) жамиятни давлат томонидан бошқаришнинг моҳияти ва ижтимоий вазифасини ифода этувчи давлат фаолиятининг асосий йўналишлари;
- В) давлат фаолиятининг турлари;
- Г) жамият учун ҳал этилиши манфаатли бўлган ва давлатнинг ваколати доирасидага кирадиган объектив қийинчиликлар.

3. Давлатнинг тегишли ривожланиш босқичидаги мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш учун қандай омиллар ҳал қилувчи ҳисобланади?

- А) давлатнинг моҳияти ва ижтимоий вазифалари;
- Б) маъмурий-ҳудудий тузилиши;
- В) сиёсий (давлат) режими;
- Г) давлат тузилишининг шакллари.

4. Давлатнинг тартибга солиш функцияларидан бирини айтинг?

- А) атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- Б) барча мулк шакилларини ҳимоя қилиш;
- В) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоялаш;
- Г) иқтисодий функция.

5. Давлат функцияси нима?

- А) давлат органларининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга доир фаолияти;
- Б) давлат фаолиятининг асосий йўналишларини ифодаловчи вазифаларни амалга ошириш ва муайян мақсадга эришиш;
- В) давлатнинг ўз фуқаролари ҳуқуқларини кафолатли амалга оширишга доир фаолияти;
- Г) давлат органларининг қонун устунлигини таъминлашга доир фаолияти.

6. Давлатнинг қайси функциялари халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналишларини ташкил этади?

- А) доимий;
- Б) вақтинчалик;
- В) ички;
- Г) ташқи.

7. Давлатнинг функциясини амалга ошириш усуллари нималардан иборат?

- А) ишонтириш ва мажбурлаш;
- Б) тарбиялаш ва ишонтириш;
- В) қонун чиқариш ва мажбурлаш;
- Г) тарбиялаш ва мажбурлаш.

8. Давлат шакли тушунчаси қандай ҳодисаларни қамраб олади?

- А) давлат тузимининг шакли;
- Б) давлат бошқаруви;
- В) давлат бошқарувининг шакли, давлат тузими;
- Г) давлатнинг демократик режими.

9. Кўрсатилган қоидалардан қайси бири давлатнинг бошқарув шаклини акс эттиради?

- А) миллий давлат қурилиши;
- Б) марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўзаро муносабати;
- В) ҳокимиятни ташкил этишнинг манбалари ва усуллари;
- Г) ҳокимиятни амалга ошириш воситалари ва усуллари.

10. Монархия республикадан нимаси билан фарқ қилади?

- А) референдум ва оммавий сайлов эълон қилиниши;
- Б) ҳукуматнинг парламент асосида тузилиши;
- В) президент ва парламент олдида ҳукуматнинг икки ёқлама жавобгарлиги;
- Г) ҳокимиятнинг бир шахс ўлида бўлиб, унинг мерос олиб берилиши.

11. Республика нима?

- А) ҳокимият юридик жиҳатдан ва амалда монарх тузган ҳукумат ҳамда парламент ўртасида бўлинадиган давлат;
- Б) олий ҳокимиятни давлат ҳокимиятининг сайлов органлари амалга ошириладиган бошқарув шакли;
- В) олий давлат ҳокимияти бутунията бир шахсга тегишли бўладиган бошқарув шакли;
- Г) давлат ҳаётини ташкил этишда ҳал қилувчи ўрин парламентга тегишли бўладиган бошқарув шакли.

12. Ҳукумат парламент томонидан ташкил этилиб, парламент олдида жавоб берадиган бошқарув шаклини кўрсатинг?

- А) Конституциявий монархия;
- Б) парламент республикаси;
- В) президент республикаси;
- Г) монархия.

13. Давлатнинг тузилиш шакли қандай?

- А) парламент республикаси, монархия;
- Б) демократия, автократия, тоталитаризм;
- В) президент республикаси, Конституциявий монархия.

Г) унитар давлат, федератсия, конфедерация.

14. Унитар давлат белгиларин айтинг?

- А) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятининг икки тизими;
- Б) асосий ташқи сиёсий фаолиятни федератсия органлари амалга оширади;
- В) битта Конституция, давлат ҳокимияти ва қонун чиқарувчи органларнинг бир тизими; ягона молия ва солиқ тизими, ягона қуроли кучлар;
- Г) ягона қуролли кучлар, ягона молия солиқ ва пул тизимлари.

15. Унитар давлатни кўрсатинг?

- А) Америка қўшма Штатлари;
- Б) Мексика;
- В) Ҳиндистон;
- Г) Япония.

16. Конфедератсия нима?

- А) суверенитетга эга бўлган, ички ва ташқи ишларда мустақил субъект ҳисобланган муайян мақсад учун бирлашган, давлатлар иттифоқи;
- Б) олий ҳокимият органлари орқали шакилланидиган давлат;
- В) муайян суверенитетга эга бўлган, сиёсий тузилмаларга асосланган давлат ёки миллий давлат тузилишининг шакли;
- Г) бошлиғи бу амални мерос қилиб олган давлат.

17. Тоталитар режимнинг асосий белгиларидан бирини ажратиб кўрсатинг?

- А) барча давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий хусусияти;
- Б) ижтимоий ҳаётнинг кенг қўламда харбийлашганлиги;
- В) шахснинг ўзбошимчаликлар ва қонунсизликлардан яхши ҳимояланмаганлиги;
- Г) аҳолининг давлат ҳокимияти табиатига бевосита таъсир этиш учун самарали механизмнинг мавжудлиги.

18. Ҳокимиятнинг бўлиниши нима?

- А) одил судлов ва прокуратура органлари функцияларининг ажратиб қўйилганлиги;
- Б) маъмурий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари функцияларининг ажратиб қўйилганлиги;
- В) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд органлари ваколатларининг ажратиб қўйилганлиги;
- Г) олий ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг ажратиб қўйилганлиги;

19. Ҳокимиятнинг бўлиниш назариясининг асосчилари кимлар?

- А) Г. Спенсер, Е. Дюринг, Ш. Монтеске;
- Б) А.Н. Радищев, Ж. Локк, К. Каутский;
- В) Ж. Локк, Ж.Ж. Руссо, Ш. Монтеске;
- Г) А. Гумилович, Филмер, Ж.Ж. Руссо.

20. Л.Монтеске баён этган ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилига қандай ҳокимият тармоқлари мувофиқ келишини кўрсатинг?

- А) қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият;
- Б) қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти;
- В) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, сайлов ва назорат ҳокимияти;
- Г) қонун чиқарувчи, ижро этувчи, сайлов ва назорат ҳокимияти.

21. Давлат ҳокимияти механизми (аппарати) деганда нима тушунилади?

- А) давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг мажмуи;
- Б) давлат ҳокимиятини амалга оширишда муҳим ўрин тутадиган давлат муассасаларининг мажмуи;
- В) ҳокимият учун кураш олиб борадиган сиёсий партиялар мажмуи;
- Г) халқ иродаси ва манфаатларини ифодалайдиган жамоат бирлашмаларининг мажмуи.

22. Кўрсатилган тузилмалардан қайси бири давлат аппаратига кирмайди?

- А) сиёсий партиялар;
- Б) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи органлари;
- В) ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари;
- Г) давлатнинг назорат ва тафтиш органлари.

23. Давлат органи нима?

- А) муассаса;
- Б) давлат аппаратининг бўғини;
- В) давлат механизми;
- Г) сиёсий ташкилот.

24. Ўзбекистонда қайси орган давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи ҳисобланади?

- А) Президент;
- Б) Олий суд;
- В) Олий Мажлис;
- Г) Вазирлар Маҳкамаси.

25. Ўзбекистон Республикасида қайси орган қонунларни қабул қилади?

- А) Президент девони;
- Б) Вазирлар Маҳкамаси;
- В) Олий Мажлис;
- Г) Конституциявий суд.

26. Ўзбекистонда қайси давлат органи олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга ҳақли?

- А) Вазирлар Маҳкамаси;
- Б) Олий Мажлис;
- В) Олий суд;
- Г) Президент

27.Ижро этувчи ҳокимият органи нима?

- А) олий ва мазҳалий ҳокимият органи;
- Б) давлат сиёсати ва қонунлар ижросини таъминлашга хизмат қиладиган орган;
- В) одил судловни амалга оширувчи давлат муассасалари;
- Г) қонунлар қабул қилувчи давлат органи.

28.Ўзбекистонда қайси органлар ижро этувчи органларга киради?

- А) Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимликлар ва Олий Мажлис Кенгаши;
- Б) Президент, судлар;
- В) Вазирлар Маҳкамаси, Президент, ҳокимликлар;
- Г) Олий Мажлис, Конституциявий суд.

29.Ўзбекистонда ким фармонлар чиқариш ваколатига эга?

- А) Олий Мажлис Кенгаши;
- Б) Республика Президенти;
- В) Бош вазир;
- Г) Конституциявий суд.

30.Қайси орган одил судловни амалга оширади?

- А) нотариат;
- Б) прокуратура;
- В) суд;
- Г) адвокатура.

31.Барча ижтимоий нормаларга хос белги нима?

- А) кишилар онгли иродавий фаолиятининг натижаси;
- Б) мажбурий хулқ-атвор қоидаси;
- В) ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита;
- Г) расмий шаклда ифодаланиш.

32. қайси жавобда «ҳуқуқ»нинг тўғри тарифи берилган?

- А) давлат томонидан белгиланган ёки маъқулланган ва унинг мажбурлов кучи билан таъминланган, барча учун мажбурий хулқ-атвор нормалар тизими;
- Б) юридик нормалар билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими, одамларнинг ҳуқуқий (реал) хулқ-атвори;
- В) ҳуқумрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган ва мазмуни жамият ҳаётининг мддий шароитлари билан белгиланадиган иродаси;
- Г) одамларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларига психологик муносабати.

33.Давлат мажбурлов таъсири ижтимоий нормаларнинг қайси турига хос?

- А) ахлоқ нормаларига;
- Б) ҳуқуқий нормаларга;
- В) одат нормаларига;
- Г) анъана нормаларига.

34.Хуқуқ манбаини Ўзбекистонда нима ташкил этади?

- А) ҳуқуқий одат;
- Б) норматив-ҳуқуқий одат;
- В) жамиятнинг иқтисодий асоси;
- Г) юридик претседент.

35.Олий юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатинг?

- А) президент фармонлари;
- Б) қонунлар;
- В) ҳукумат қарорлари;
- Г) жамоат ташкилотларининг ички ҳужжатлари.

36.Юридик норманинг давлат жазоси меъёрини белгилаб берадиган таркибий қисмини кўрсатинг?

- А) гипотеза;
- Б) тақиқловчи;
- В) презумпсия;
- Г) санкция.

37.Хуқуқий нормаларнинг қайси турлари ҳуқуқ субъектлари ҳуқ-атвор қоидаларининг табиатини белгилаб беради?

- А) диспозитив нормалар;
- Б) тақиқловчи нормалар;
- В) мажбурловчи нормалар;
- Г) императив нормалар.

38.Хуқуқ тизимини тармоқларга бўлиниш икки асосини кўрсатинг?

- А) ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва усули;
- Б) юридик нормаларни ҳуқуқий инцитутларга бирлаштириш ва таснифлаш;
- В) ҳуқуқий нормаларнинг узвий бирлиги ва барқарорлиги;
- Г) ҳуқуқий тартибга солиш принтсиплари ва шакллари.

39.Хуқуқни амалга оширишнинг махсус шаклини кўрсатинг?

- А) риоя этиш;
- Б) бажариш;
- В) қўллаш;
- Г) фойдаланиш.

40.Субъектларнинг ҳуқуқий нормалар талаблари асосидаги муносабатларини нима келтириб чиқаради?

- А) ҳуқуқий муомала лаёқати;
- Б) ҳуқуқий муносабат мақсади;
- В) ҳуқуқий муносабат объекти;
- Г) юридик фактлар.

41.Хукукий онг хукукий маданият даражасига кўра қандай турларга бўлинади?

- А) индивидуал ва расмий;
- Б) ижтимоий, индивидуал ва касбий;
- В) гуруҳий, норматив ва нисбий;
- Г) касбий ва норасмий.

42.Хукукий нормалар тизими нимани муҳофаза этади?

- А) ҳуқуқ соҳаларини;
- Б) ҳуқуқий онгини;
- В) ахлоқий муносабатларни;
- Г) ҳуқуқий тартиботни.

43.қуйидаги элементларнинг қайси бири ҳуқуқбузарнинг шахсини англатади?

- А) субъект;
- Б) субъектив томон;
- В) объектив томон;
- Г) объект.

44.Юридик жавобгарликнинг мазмуни қайси жавобда кўрсатилган?

- А) ҳуқуқбузарнинг маҳрумликларга чидашга мажбурлиги;
- Б) давлат мажбурловининг тури;
- В) жазонинг муқаррарлиги;
- Г) фақат содир этилган ҳуқуқбузарликни баҳолаш.

45.Хуқуқ тизимининг бошланғич элементи қайси?

- А) ҳуқуқ тармоғи;
- Б) ҳуқуқ нормаси;
- В) ҳуқуқий муносабат;
- Г) ҳуқуқ инцидути.

46.Хуқуқ нормаси нима?

- А) диний манбаларда берилган илоҳий тасаввурлардан келиб чиқувчи қоидалар;
- Б) одамларнинг эзгулик ва ёвузлик, адолат, инсоннинг жамият олдидаги бурчи ҳақидаги тасаввурларга мувофиқ равишда жамият ҳаётида шакилланган қоидалар;
- В) давлат томонидан берилган ва муҳофаза қилинадиган барча учун мажбурий қоидалар;
- Г) кўп марта такрорлаш натижасида шакилланган ва одат тусига кирган ҳуқ-атвор қоидалари.

47.Хуқуқий норма диспозитсияси нима?

- А) ҳуқуқ нормасининг амал қилиш шарт-шароитларини кўрсатувчи таркибий қисми;
- Б) ҳуқуқ нормасининг мазмунини очиб берувчи таркибия қисми;
- В) ҳуқуқ нормасининг давлат мажбурлов чораларини кўрсатувчи таркибий қисми;
- Г) ҳуқуқ нормасининг субъектлар бурчларини ифодаловчи таркибий қисми.

48. қайси белги ахлоқ нормасига ва ҳуқуқ нормасига хос?

- А) келиб чиқиш (давлат ва жамият);
- Б) ифодалаш шакли;
- В) бузилишдан муҳофаза қилиниши;
- Г) батавсил баён этиш даражаси.

49. Ҳуқуқ тармоғи нима?

- А) ҳуқуқнинг бир тоифадаги ижтимоий муносабатларини тартибга солувчи алоҳида қисми;
- Б) ҳуқуқнинг тартибга солинадиган муносабатлар билан белгиланадиган ички тузилиши;
- В) ҳуқуқ тармоғи доирасида ижтимоий муносабатларнинг алоҳида турини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар гуруҳи;
- Г) предмети ижтимоий қарашлар бўлган ҳуқуқий нормалар мажмуи.

50. Ҳуқуқий онгнинг таркибий тузилиши қандай?

- А) ҳуқуқий психология ва ҳуқуқий мавқура;
- Б) ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий мавқура;
- В) ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий сиёсат;
- Г) ҳуқуқий ахлоқ ва ҳуқуқий муносабат.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2003
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1-Т.: Ўзбекистон, 1996
3. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» ги 1992 йил 9 декабр қонуни. (янги таҳрир) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 1-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида» ги 1993 йил 2 сентябр қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993. 10-сон
5. Давлат ва ҳуқуқ асослари. (Изоҳли луғат). Т., 1996.
6. Аъзамхўжаев А.А. Правовое основы государственной независимости Республики Узбекистан. –Т. Узбекистан, 1993.
7. Холмўминов Қ. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат куриш. Т., 1998.
8. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.

2-мавзу: Маъмурий ҳуқуқ асослари(2 соат)

Режа:

1. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси ва манбалари.
2. Маъмурий ҳуқуқий нормалар ва муносабатлар.
3. Давлат бошқаруви ва унинг хусусиятлари.
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик.

ТЕСТЛАР

1. қайси ижтимоий муносабатлар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинади?

- А) жиноятларни содир этиш билан боғлиқ муносабатлар;
- Б) давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатлар;
- В) мулкӣ ва улар билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатлар;
- Г) давлатнинг молиявий фаолияти жараёнида юзага келадиган муносабатлар.

2. Давлат бошқаруви органларининг шаклини тартибини кўрсатинг

- А) фармоиш берувчи;
- Б) хабар берувчи;
- В) норматив-махфий;
- Г) рухсат этувчи.

3. Фуқароларнинг қўшимча ўрганиш ва текширишини талаб этмайдиган шикояти давлат органига келиб тушганидан кейин қанча муддатда кўриб чиқилиши керак?

- А) 7 кундан кечиктирмай;
- Б) 15 кундан кечиктирмай;
- В) 3 хафтадан кечиктирмай;
- Г) 1 ойдан кечиктирмай.

4. Давлат бошқаруви ҳужжатини тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиниши учу асос бўлиши мумкин?

- А) ҳужжатда кўрсатилган қонданнинг бажарилиши;
- Б) унинг қонунларга зидлиги ёки мос келмаслиги;
- В) прокурор протести;
- Г) юқорида келтирилган асослардан ихтиёрий биттаси.

5. Қуйидаги чоралардан қайси бири давлат эҳтиёжлари туфайли қўлланиладиган маъмурий мажбурият чораларига кирилади?

- А) карантин жорий этилиши;
- Б) чегара ҳудудларининг ёпилиши;
- В) қуролни рўйхатга олиш;
- Г) реквизиция.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини қайд этувчи расмий ҳужжат нима деб номланади?

- А) қарор;
- Б) баённома;
- В) шикоят;
- Г) ариза.

7. Жисмоний шахс неча ёшдан бошлаб маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин?

- А) 14 ёшдан;
- Б) 16 ёшдан;
- В) 18 ёшдан;
- Г) 21 ёшдан.

8. қуйидаги маъмурий жазо чораларидан қайси бири ҳам асосий, ҳам қўшимча жазо чораси сифатида қўлланиши мумкин?

- А) мулкни мусодара қилиш;

- Б) ахлоқ тузатиш ишлари;
- В) жарима;
- Г) лавозимни эгаллашни чеклаш.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 1992
2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари, 2-чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясидаги маъруза 29 август 2002 йил.
3. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.
4. Холмўминов Қ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., 1998.
5. Гришина Е.П. Основы государства и права. М., 1995 .
6. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. Т., 1995.
7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 2001 йил
8. Давлат ва ҳуқуқ асослари. (Изоҳли луғат). Т., 1996.

3-мавзу: Молия ҳуқуқи асослари. (1 соат)

Режа:

1. Молия ҳуқуқи предмети ва тизими.
2. Молиявий ҳуқуқий муносабатлар ва молиявий назорат.
3. Банк ҳуқуқи тушунчаси ва тизими.
4. Солиқ ҳуқуқи ва тизими.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2012
2. Саидов А., Таджиханов У, Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.
3. Исломов З. Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик Ўқув қўлланмаси. Т., 2002
4. Холмўминов Қ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., 1998.
5. Гришина Е.П. Основы государства и права. М., 1995 .
6. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. 1 қисм. Т., 1996.
7. Ли А.А. Финансовое право. Учебник. Т.: Чулпана, 2008.-236 с.
8. Ли А.А. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2004. - 398 б.

4-мавзу: Тадбиркорлик ҳуқуқи асослари. (1 соат)

Режа:

1. Тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчаси, тамойилари ва манбалари.
2. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари.
3. Тадбиркорлик қоидалари бузганлиги учун жавобгарлик.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.
3. Исломов З. Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик Ўқув қўлланмаси. Т., 2002
4. Давлат ва ҳуқуқ асослари. (Изоҳли луғат). Т., 1996
5. Раҳмонқулов Ҳ., Рўзиназаров Ш. ва б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Т.1.

Дарслик. –Т.: Консаудитинформ, 2002. – 664 б.

6. Раҳмонкулов Ҳ., Рўзиназаров Ш. ва б. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Т.2. Дарслик. –Т.: Консаудитинформ, 2002. – 266 б.

5-мавзу: Меҳнат ҳуқуқи асослари. (2 соат)

Режа:

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси ва аҳамияти.
2. Меҳнат шартномаси ва унинг турлари.
3. Иш вақти, дам олиш вақти ва меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби .
4. Меҳнат муҳофаза ва меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2012
2. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.
3. Исломов З. Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик Ўқув қўлланмаси. Т., 2002 йил.
4. Давлат ва ҳуқуқасослари. (Изоҳли луғат). Т., 1996.
5. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т., 2000.
6. Гасанов М. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат шартномаси. Т., «Адолат», 1996.
7. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., «Адолат», 1999.
8. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари. (тўплам) Т., «Адолат», 2010

ТЕСТЛАР

1. Меҳнат ҳуқуқи ҳуқуқнинг қайси тармоғига киради?

- А) асосий тармоқларига;
- Б) махсус тармоқларига;
- В) комплекс тармоқларига;
- Г) процессуал тармоқларига.

2. Меҳнат бозори ва самарали бандлик соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш сиёсатини ифодалайдиган асосий принтсипларни тартибланг.

- А) меҳнат функциясининг Аниқлиги;
- Б) меҳнат шароитларининг ягоналиги ва табақалашуви;
- В) меҳнат шартномаси (контракт)нинг эркинлиги;
- Г) ходим меҳнати ва соғлиғини сақлашнинг таъминланиши.

3. қайси шахслар қонунда белгиланган «иш билан банд фуқаролар» рўйхатига кирмайди?

- А) тўлиқсиз иш куни шароитида ёлланиб ишловчи шахслар;
- Б) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар;
- В) ички ишлар органларида ҳарбий хизмат ўяётган шахслар;
- Г) фарзандлари тарбияси билан шуғулланаётган шахслар.

4. қўшимча вазифада ишловчи шахснинг иш-вақти қанча давом этади?

- А) кунига 2 соат билан чекланади;
- Б) кунига 2 соат билан чекланади;
- В) кунига 2 соат билан чекланади;
- Г) умуман чекланмайди.

5. Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинганда ходим иш берувчини ёзма равишда қачон огоҳлантириши шарт?

- А) 2 ҳафта аввал;
- Б) 1 ой аввал;
- В) 2 ой аввал;
- Г) тўғри жавоб йўқ

6. Ташкилотнинг тугатилиши, ходимлар сони ёки штатининг қисқартирилиши оқибатида ишдан бўшатиладиган ходимларнинг узлуксиз иш цажи ходим бўшагандан сўнг қанча муддат давомида сақланади?

- А) 2 ҳафта;
- Б) 1 ой;
- В) 2 ой;
- Г) 3 ой.

7. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг иш куни қанча вақт давом этади?

- А) ҳафтасига 12 соат;
- Б) ҳафтасига 18 соат;
- В) ҳафтасига 36 соат;
- Г) ҳафтасига 40 соат;

8. Ишчи ишлар идоралари хизматчилари асосий таътилининг давомийлиги қанча муддатни ташкил этади?

- А) 24 календар кунига;
- Б) 30 календар кунига;
- В) 45 календар кунига;
- Г) 48 календар кунига;

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2003
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9.-Т., 2001.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8.-Т., 2000.
4. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.
5. Давлат ва ҳуқуқ асослари. (Изоҳли луғат). Т., 1996.
6. Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. Т., 2000.
7. Гасанов М. Ўзбекистон Республикаси меҳнат шартномаси. Т., «Адолат», 1996.
8. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., «Адолат», 1999.

6-мавзу: Оила ҳуқуқи асослари. (2 соат)

Режа:

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва предмети.
2. Никоҳ тушунчаси ва никоҳ тузиш шартлари.
3. Эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
4. Ота-она ва фарзандларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

ТЕСТЛАР

1. Қуйида санаб ўтилган ҳуқуқ манбаларидан оилавий ҳуқуқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлганларини топинг:

- А) Оила кодекси;
- Б) Фуқаролик кодекси;
- В) Жиноят кодекси;
- Г) Фуқаролик-протсессуал кодекси.

2. Оила ҳуқуқида тўлиқ муомала лаёқати неча ёшдан бошланади?

- А) 16 ёшдан;
- Б) 18 ёшдан;
- В) 21 ёшдан;
- Г) 25 ёшдан.

3. Никох тузишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни аниқланг.

- А) никоҳга қираётганларнинг ўзаро розилиги;
- Б) бўлғуси эр-хотиннинг яқин қариндошлиги;
- В) никоҳга қираётганларнинг никоҳ ёшига етганлиги;
- Г) никоҳга қираётганлардан бирининг муомала лаёқатига эга эмаслиги.

4. Қуйида саналган ҳолатлардан қайси бири никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди?

- А) эр-хотинлардан бирининг ихтиёрий розилиги йўқлиги;
- Б) эр-хотинлар ўртасида узокқариндошликнинг мавжудлиги;
- В) эр-хотинлардан бирининг ўзида ОИТС инфекцияси борлигини яширганлиги;
- Г) эр-хотиндан бирининг муомала лаёқатига эга эмаслиги.

5. Нотўғри фикрни кўрсатинг?

- А) никоҳ ФХДЁ органларида қайд этилади;
- Б) никоҳ фақат никоҳга қирувчилар шахсан бўлганларида қайд этилади;
- В) никоҳни вакиллик орқали қайд этишга йўл қўйилмайди;
- Г) никоҳни қайд этиш чоғида гувоҳларнинг бўлиши шарт.

6. Никохни тўхтатиш учун нима асос бўлади?

- А) эр-хотиндан бирининг ўлими;
- Б) оиланинг тузатиб бўлмас даражада барбод бўлиши;
- В) эр-хотиннинг ўзаро розилиги;
- Г) юқорида саналганларнинг ҳаммаси.

7. Никох шартномаси қайси ҳолатда ҳақиқий эмас ҳисобланади?

- А) башарти у қонунга зид бўлса;
- Б) башарти эр-хотинда бири унга рози бўлса;
- В) ҳақиқий эмас деб умуман тан олинishi мумкин эмас;
- Г) юқоридагилар орасида тўғри жавоб йўқ.

8. қуйидаги ҳоллардан қайси бири ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш учун асос бўла олмайди?

- А) ота-оналардан бирининг узок(1 йилдан ортиқ) муддатли хизмат сафаридабўлиши;
- Б) ота-оналардан бирининг сурункали ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка берилганлиги;
- В) болалари билан шавқатсиз муомалада бўлиши;
- Г) ота-оналик мажбуриятини бажаришдан бўйин товлаши.

9. Ёш болаларга васийлик неча ёшда тўхтатилади?

- А) 6 ёш;
- Б) 12 ёш;
- В) 14 ёш;
- Г) 16 ёш.

10. Алимент мажбурияти нима?

- А) давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- Б) давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- В) мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўймадиган ҳолат;
- Г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат.

11. «Васийлик» тушунчасининг таърифи қайси жавобда тўғри берилган?

- А) давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- Б) давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- В) мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўймадиган ҳолат;
- Г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат.

12. «Ҳомийлик» тушунчасининг таърифи қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) давлат муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- Б) давлат муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларни ҳимоя қилиш учун фойдаланадиган ҳуқуқий шакл;
- В) мавжудлиги никоҳга киришга (никоҳ тузишга) йўл қўймадиган ҳолат;
- Г) қонунда белгиланган юридик фактлар асосида юзага келадиган ҳамда шу асосда оила аъзоларининг айримлари бошқаларини боқиши шарт бўлган, бошқалари эса буни талаб қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабат.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т., 2001.
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9.-Т., 2001.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8.-Т., 2000.
5. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.
6. Холмўминов қ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Т., 1998.
7. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. Т., «Адолат», 1998.
8. Отахўжаев Ф. Никоҳ ва уни ҳуқуқий тартибга солиниши. Т., «Ўзбекистон», 2000.

7-мавзу: Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи асослари. (1 соат)

Режа:

1. Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти.
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларни турлари.
3. Қишлоқ хўжалик соҳасидаги қонунлар ва уларни бузганлиги учун жавобгарлик.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т., 2001.
3. Ўзбекистон Республикасининг кодекслари. (тўплам) Т., «Адолат», 2010
4. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. «Давлат ва ҳуқуқ асослари». Т. «Шарқ» 2002.
5. Исломов З. Мирҳамидов М. Ҳуқуқшунослик Ўқув қўлланмаси. Т., 2002 йил.
6. Давлат ва ҳуқуқ асослари. (Изоҳли луғат). Т., 1996.
7. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2009. -280 б.

8-мавзу: Конституция тушунчаси ва моҳияти. (2 соат)

Режа:

1. Конституциясининг моҳияти. Конституция давлатининг асосий қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тузилиши (Боблар ва бўлимлар)
3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига ҳос хусусиятлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияга қўшимча ўзгаришлар киритиш тартиби.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Конституция ҳақида.-Т.: Академия, 2001.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2012.
4. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. Т., Шарқ 1997.
5. Одил Қориев Ш.Т. Новая Конституция-великий символ суверенитета Узбекистана. Т. Адолат 1993.
6. Саидов А.С. Мустақиллик қомуси. Т Ўзбекистон, 1993.
7. Файзиев М. Ўзбекистон Конституциясининг моҳияти (ўқув қўлланма). Т.: Адолат 1998.
8. Ўразаев С.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси-Т.:1995. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. (Ўқув курси бўйича маъруза матни) Тошкент 2002 йил.

9. Х.Бобоев ва муаллифлар жамоаси. Ўзб. Республикаси Конституциясини ўрганиш. Т. 2001
- 10.М.Рустамбоев, Д. Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Т. 2005
- 11.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзб.Респ.Конс.ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 4 январдаги Ф-1322-сонли қарори.
- 12.Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 августдаги Конституциявий қонуни. «Халқ сўзи», 2000 январ.
13. Мустақиллик декларацияси Ўзб.Респ.қонунчилик асослари:Хрең.-Т.: «Адолат», 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12-ноябр Ўзб.Респ. Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.,2010

9-мавзу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принциплари. (2 соат)

Режа:

1. Суверенитет тушунчаси. Давлат, миллат халқ суверенитети.
2. Халқ ҳокимиятчилиги – давлат ҳокимиятини амалга оширишни асосий тамойили.
3. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларни устуворлиги.
4. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини Конституциявий принциплари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз: Т-8.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Конституция ҳақида.-Т.: Академия, 2001.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.: Ўзбекистон, 2008.
4. Азизхъжаев А.А Давлатчилик ва маънавият. Т., Шарқ 1997.
5. Қаюмов Р.Қ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. Т. Адолат 1998.
6. Одилқориев Ш.Т. Новая конст.-великий символ сув-та Узбекистана. –Т. Адолат 1993.
7. Саидов А.С. Мустақиллик қомуси. Т Ўзбекистон, 1993.
8. Файзиев М. Ўзбекистон Конституциясининг моҳияти (ўқув қўлланма). Т.: Адолат 1998.
9. Ўразаев С.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси-Т.:1995. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. (Ўқув курси бўйича маъруза матни) Тошкент 2002 йил.
- 10.Х.Бобоев ва муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. Т. 2001
11. М.Рустамбоев, Д. Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Т. 2005
- 12.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 4 январдаги Ф-1322-сонли
- 13.Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 августдаги Конституциявий қонуни фармойиши.«Халқ сўзи»,2000 йил, январ.Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.-Т.: «Адолат», 2000 йил.
- 14.Мустақиллик декларацияси Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асослари: Хрестоматия.-Т.: «Адолат», 2000.
- 15.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12-ноябр Ўзб.Респ. Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.,2010

10-мавзу: Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлар ва бурчлари. (2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини ҳуқуқий асослари.
2. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар тушунчаси.
3. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар.
4. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар.
5. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари.
6. Фуқароларнинг конституциявий бурчлари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т., 2001.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т., 1996
4. Каримов И.А. Конституция ҳақида. –Т.: Академия, 2001
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
6. Муаллифлар жамоаси. Инсон ҳуқуқлари. Т.Адолат, 1997
7. Раҳмонқулов Ҳ. Фуқаролик: ҳуқуқлар, эркинликлар, бурчлар. Т.Ўзбекистон, 1991
8. Саидов А.Ш., Жузжоний А. Шарқ ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: Ижтимоий фикр, 1998
9. Саидов А.Ш., Султонов С.А. Ўзбекистон Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Т.: 1999
10. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳлар луғати. Тошкент. 2001.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. (Ўқув курси бўйича маъруза матни) Тошкент, 2002.
12. Х.Бобоев ва муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. Т. 2001
13. М.Руцамбоев, Д. Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Т. 2005
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12-ноябр Ўзб.Респ. Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ма'рузаси. Т.,2010

11-мавзу: Сайлов тизими тушунчаси. (1 соат)

Режа:

- 1.Ўзбекистон Республикасида сайловлар ўтказишнинг Конституциявий принциплари.
2. Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий мақоми.
3. Округ ва участка сайлов комиссиялари.
4. Экологик ҳаракат вакилларини депутатлика сайланиш тартиби.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Х.Бобоев ва муаллифлар жамоаси. Ўзб. Республикаси Конституциясини ўрганиш. Т. 2001
3. М.Рустамбоев, Д. Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Т. 2005
4. Саидов А.Н. Сайлов ҳуқуқи. – Т., 1994
5. «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрдаги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон. Т.: Адолат, 1995. 1999 йил 19 сентябрдаги ўзгартириш ва қушимчалар билан.
- 6.«Ўзб. Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 30 апрел.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12-ноябр Ўзб.Респ. Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ма'рузаси. Т.,2010

12-мавзу: Олий мажлис - Ўзбекистон Республикасининг олий вақлий органи ва қонун чиқарувчи ҳокимияти. (2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конституциявий ҳуқуқий мақоми.
2. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шакллантириш тартиби.
3. Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг Конституциявий ваколатлари.
4. Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятини ташкил этишнинг ташкилий ҳуқуқий масалалари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т-1-Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т-6. Т.: Ўзбекистон, 1997
4. «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги 1994 йил 24 сентябрдаги Конституциявий қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон. Т.: Адолат, 1995
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12-ноябр Ўзб.Респ. Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ма'рузаси. Т.,2010
6. «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги 1995 йил 6 майдаги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон. Т.: Адолат, 1995
7. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 йил 14 апрел. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-сон. Т.: Адолат, 1999
8. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳлар луғати. Тошкент. 2001.

13-мавзу: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциявий - ҳуқуқий мақоми (2соат)

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида Президентлик бошқарувини жорий этилиши.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказиш тартиби.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзб.Респ.Президенти лавозимини ташкил этиш ҳамда Ўзб. Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун. Совет Ўзбекистони, 1990 йил 4 апрел сони.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун. 1993 йил 6 май. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 8-сон. – Т.: Адолат, 1994.
4. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида» ги қонун. 1991 йил 18 ноябр. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари. Хрецоматия. Т.: Адолат, 1995.
5. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Тошкент, Ўзбекистон, 2001 йил.
6. Исломов З.М. Механизм осуществления государственной власти. Т.Адолат, 1997 г.
7. Х.Бобоев ва муаллифлар жамоаси. Ўзб.Республикаси Конституциясини ўрганиш. Т. 2001

8. М.Рустамбоев, Д. Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Т. 2005
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12-ноябр Ўзб.Респ. Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ма'рузаси. Т.,2010

14-мавзу: Маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Конституциявий - ҳуқуқий асослари. (2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистонда Маҳаллий вакиллик ва ижроия органлари тизими.
2. Халқ депутатлари Кенгашлари-жойлардаги вакиллик органлари.
3. Ҳоким Маҳаллий ижроия ва вакиллик органлари раҳбари.
4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг ваколатлари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.-Т., 1999
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 12-ноябр Ўзб.Респ. Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ма'рузаси. Т.,2010
4. Конституциявий ҳуқуқ. Изоҳлар луғати. Тошкент. 2001.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. Т., 2001.
6. Х.Бобоев ва муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш. Т. 2001
7. М.Руцамбоев, Д. Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш Т. 2005
8. Ўзб.Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1999 й. 4 апр. қонуни Халқ сўзи. 1999. 11 май.

15-мавзу: Суд Ҳокимиятининг ташкил этилиши ва функцияларининг умумий тавсифи. (1 соат)

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида Суд ҳокимиятининг Конституциявий асослари.
2. Ўзбекистон Республикасида Суд ҳокимияти тизими.
3. Ўзбекистонда Суд-ҳуқуқ ислоҳатлари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т-8.: Ўзбекистон, 2000.
3. «Ўзбекистон Республикасининг судлар тўғрисида»ги қонуни. Халқ сўзи, 2001 йил 13 феврал
4. «Ўзб. Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1995 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 11-сон, Т. Адолат.
